

# “МАНМУДХО‘ЈА ВЕНБУДИЙ ПУБЛИСИСТИКАСИ ВА ЖАДИД МАТБУОТИДА ИЖТИМОИЙ-СИЮСИЙ МАСАЛАЛАРНИНГ ЙОРТИЛИШИ” мавзусидаги халқаро ғимрий-амалий конференсиya

## ЖАДИД МАТБУОТИДА САНЪАТГА ИХТИСОСЛАШУВНИНГ АҲАМИЯТИ

Бобоҷонова Забаржад  
ЎзЖОКУ, катта ўқитувчиси

**Аннотация:** Мазкур мақола жадид матбуотида санъат мавзуларининг ўрни, уни ёритиши, тарғиб этиши; ихтинослашган журналистика, хусусан, арт-журналистиканинг шаклланишидаги илк намояндалар ва манбаларни ўрганишига қаратилган. Унда дастлабки маҳаллий нашрлардаги миллий контентнинг аҳамияти таҳлилга тортилган. Даврий матбуотга санъат турларининг кириб келиши, ёритилиши ривожисидаги тадрижий босқичлар, муаллифлар жамоаси ва ёндашуви нашрлар маҳаллий матбуот кесимида ўрганилади. Шунингдек, мамлакатда маданий муҳитнинг шаклланишига босма нашрларнинг таъсирин санъат мавзулари нуқтаи назаридан кўриб чиқиласди.

**Калим сўзлар:** миллий контент, санъат журналистикаси, кино, театр, музей, арт-жадидчилар, маданият, миллий колорит, маданий муҳит.

Санъат ва адабиёт маданият соҳасининг асосий йўналишлари ҳисобланади. Маданий журналистиканинг турларидан бири, тўғрироғи, ихтинослашган тури арт (санъат) журналистикадир. Санъат журналистикаси ҳамиша мавжуд макон, замон, жамиятнинг умумий манзараси, маданий аҳволини акс эттиради. Инсоннинг амалий ижоди билан боғлиқ жараёнларни ёритади. Даврий матбуот пайдо бўлгунга қадар мусиқа, театр ва тасвирий санъат борасидаги тақризлар, танқидий ёндашувлар фалсафий рисолаларда акс этган: фақат XVIII асрга келиб санъатшунослик, арт танқидчилик алоҳида фаолият сифатида шакллана бошлади. Санъат асарлари борасидаги фикрлар, бадиий-танқидий қарашлар журналистика воситасида жамоатчиликка етказилди. Кино, фотография каби замонавий санъат турларининг пайдо бўлиши, оммалашиши мазкур санъат турларини янги йўналиш – арт-танқидчилик тушунчаси атрофига бирлаштириди.

Маданият – инсон яратган ҳамма нарса экан, оммавий ахборот воситалари, хусусан, даврий босма нашрларнинг ўзи ҳам XIX асрда маданиятнинг яна бир кўриниши сифатида Туркистонга кириб келди. Арт-журналистика атамаси постсовет давлатларида 2000-йиллардан қўллана бошлаган бўлса-да, санъатга доир мавзулар, санъат асарларига нисбатан таҳлил ва танқидий чиқишлар миллий матбуот фаолиятининг дастлабки пайтларидан эълон қилина бошлаган. Шу маънода арт-журналистика ҳам миллий журналистикамиз сингари ўз тарихига эга. Яъни, Ўзбекистонда газета пайдо бўлганидан бошлаб, санъат журналистикасининг ҳам том маънода фаолияти йўлга қўйилди, дейиш мумкин.

Туркистондаги илк даврий нашр “Туркистон вилоятининг газети” (1870 й.) икки қисм: расмий ҳамда норасмий шаклга эга эди. Унинг асосий йўналиши

# “МАНМУДХО‘ЈА ВЕНБУДИЙ ПУБЛИСИСТИКАСИ ВА ЖАДИД МАТБУОТИДА ИЖТИМОИЙ-СИЮСИЙ МАСАЛАЛАРНИНГ ЙОРТИЛИШИ”

## mauzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya

ижтмоий-сиёсий характерда бўлишига қарамай, норасмий қисми тарих, этнография, маданият, фольклорга оид кўплаб материалларни қамраб олади.<sup>1</sup> “Туркестанские ведомости” газетасининг маҳаллий тилдаги “Туркистон вилоятининг газети” иловаси халқ орасида анча оммалашган бўлса-да, газета давр сиёсатини ёритиш, асосан рус миллати вакиллари манфаати, турмуш-тарзи маданиятини оширишни кўзлаб чоп этилади.<sup>2</sup> Шундан сўнг мамлакатдаги маънавий инқирозни енгиб ўтиш мақсадида жадид намояндадалири томонидан маҳаллий халқ ҳаётига миллий матбуотни олиб кириш ҳаракати бошлаб юборилади. 1906 йили Мунаввар Қори ҳам маҳаллий, ҳам рус тилида эркин гапира оладиган Исмоил Обидий муҳаррирлигига “Тараққий” газетасини нашрга тайёрлайди. “Тараққий” аҳолини жаҳолат ботқоғидан олиб чиқиши ўз олдига мақсад қилиб қўяди. 1913 йили Маҳмудхўжа Беҳбудий муҳаррирлигидаги “Ойина” журналига асос солинади. 1914 йилда “Садойи Туркистон”, “Садойи Фарғона”, 1915 йилда “Тирик сўз” каби газеталарда бошқа мавзулар қатори маданият, санъатга оид мақолалар чиқади.

1906–1930 йиллари ўзбек матбуоти билан биргаликда маданият тарғиботчиси сифатида санъат журналистикасининг ilk илдизлари шаклланди. Бу даврни миллий санъат журналистикасида қўйилган дадил қадамлар даври дейиш ҳам мумкин. Чунки бу вақтга келиб фақатгина матбуотнинг эмас, театр, кино, мусиқа, музей, фотография ва бошқа санъат турларининг ҳам оммалашшишига имконият яратилди. Дастреб театр санъати маҳаллий халқ орасида турли муносабатлар, баҳслар туғдириб, даврий нашрларда саҳна асарлари таҳлилига эҳтиёж уйғотган бўлса, кўп ўтмай кино санъатининг йўлга қўйилиши, матбуотда мавзуларнинг журналистларнинг ихтисослашига туртки бўлди.

“Иштирокион” газетасининг 1918 йилдан 1920 йилга қадар чиқсан сонларида 100 та санъат мавзуларига бағишлиланган мақолалар эълон қилинган. Улардан 83 таси театр фаолияти, саҳна асарларининг таҳлили, актёрлар ижроси ҳақида бўлса, қолган 17 та мақола санъатнинг бошқа турлари – мусиқа, кино, санойи нафиса ишларига бағишлиланган. Тошкентда Туркистон коммунистлар фирмаси Марказий Қўмитаси ҳамда Туркистон Шўролар Жумҳурияти Марказ бошқарма қўмитаси муассислигига чиқсан газетанинг номи 1920 йил 12 декабрдан “Қизил байроқ” дея ўзгартирилади. Бу вақтда газетада алоҳида “Театр ва музика” номли руҳи ташкил этилиб, мазкур руҳи остида санъат мавзуларига бағишлиланган мақолалар мунтазам эълон қилинади.

<sup>1</sup> А.А.Мусинова, Арт-журналистика Казахстана. – А.2018., 33-стр.

<sup>2</sup> <https://cyberleninka.ru/article/n/primary-sources-in-the-formation-of-art-journalism/viewer>

# “МАНМУДХО‘ЈА ВЕНБУДИЙ ПУБЛИСИСТИКАСИ ВА ЖАДИД МАТВУОТИДА ИЖТИМОИЙ-СИЮСИЙ МАСАЛАЛАРНИНГ ЙОРИТИЛИШИ” mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya

1922 йили газетанинг номи “Туркистон”га ўзгартирилгач, руқн ҳам “Чолғи ва томоша” шаклида берилади. 1924 йил 5 декабрдан “Қизил Ўзбекистон” дея номланган газета эндиликда ҳар қуни чоп этилади ва санъат мавзуларига бағишлиланган руқнлар сони ҳам ортади: 1925 йилдан 1930 йилга қадар “Чолғи ва томоша” рукни билан бир қаторда “Маданият жабҳасида”, “Адабиёт ва санъат саҳифаси”, “Театр ва музика”, “Кино-театр” каби санъат ичидағи санъат турларига бағишлиланган мавзулар доимий бериб борилди.

Дастлаб матбуот асосий эътиборни театр, кўп ўтмай кинематография соҳасига қаратган бўлса-да, кейинроқ миллий халқ куйлари, тасвирий санъат намуналарига бағишлиланган материаллар кўпайиб, мавзулар ранг-баранглиги ортганини кузатиш мумкин. 1930 йилга қадар “Қизил Ўзбекистон” саҳифаларида 400 га яқин санъат мавзуларидаги мақолалар эълон қилинди. Соҳага доир мавзуларни мунтазам ёритиб борувчи ижодкорлар, бугунги тушунча билан атаганда “арт-жадидчи”, арт-журналистлар айнан шу даврларда шаклланди. Жумладан, Абдурауф Фитрат ўзининг “Адабиёт қоидалари” асарида асли адабиётшунослик муаммоларини ўртага ташласа-да, санъат ва мусиқага оид қарашларга ҳам кенг тўхталган. Олим ва публицист санъат турларини таснифлар экан, гўзал санъатларни 6 га бўлади: 1. Мусиқий. 2. Расм. 3. Ҳайкалчилик. 4. Меъморчилик. 5. Ўйун [танс] 6. Адабиёт.<sup>3</sup> Келтирилган мазкур санъатларнинг барча турлари борасида даврий нашрларда чуқур таҳлиллар беради. “Ҳалима” операсининг<sup>4</sup> “Роҳат” боғчасидаги намойиши юзасидан ёзган мақоласи Фитрат нафақат миллий оҳангларимиз, балки ғарб санъати – опера борасида ҳам билимларга эга эканини кўрсатади.

Атоқли жадид намоёндалари Абдурауф Фитрат, Абдулҳамид Чўлпон, Элбек, Абдулла Қодирийлар билан бирга мазкур мавзуларда Зиё Сайд, Алиев Комил, Башир З., Ҳусайн С., Шербек, Муқимов, Бобожонов Раҳимберди, Ҳайдарий Баҳром, Мирмулла Шермуҳаммад каби муаллифлар қалам тебратди. Шунингдек, Ишчи, Томошабин, Кезгувчи, Сергак, Ўгай, Китобхон, Театрчи, Шапоқ Маҳзум, Адабиёт қули, Чатоқ каби муайян тахаллусларда фақат санъатга бағишлиланган материаллар тайёрловчи ижодкорлар жамоаси шаклланди. Улар санъат соҳасида рўй бераётган жараёнлар, янгиликларни ёритибгина қолмай, балки ундаги муаммолар, қилиниши керак бўлган ишлар, камчиликларни кун тартибига қўндаланг қўйиб, мамлакатда маданий муҳитнинг аҳамияти нечоғлик муҳим эканини дадил айти олишди.

<sup>3</sup> <http://sjifactor.com/passport.php?id=22230>

<sup>4</sup> Иштирокион. – 1920. – 29 сентябрь.

# “МАНМУДХО‘ЈА ВЕНВУДИЙ ПУБЛИСИСТИКАСИ ВА ЖАДИ МАТВУОТИДА ИЖТИМОИY-СИЮСИY МАСАЛАЛАРНИНГ ЙОРИТИЛИШИ” mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya

Шербекнинг “Санойи нафиса ишларига аҳамият” номли мақоласида мавжуд мусиқа, театр, рассомлик санъатининг янада ривож топишида ўзимизнинг ёшларни тарбия қилиш, бунинг учун хориждан малакали мутахассисларни жалб этиш кераклиги, маҳсус билим масканлари лозимлигини таъкидлайди. Ҳар бир халқнинг тарихий тадрижини ўрганишда унинг мусиқаси, рақслари, санойи нафисасини ўрганиш қулайлик беришини айтади ва бизнинг ҳам даврлар оша яшаб келаётган халқ ашуларапаримиз, байтлар, ҳангомалар, миллий рақсларимиз борлигини қайд этади. Мақолада Оврўпада ўқиб қайтган Муҳиддин Қори (Ёкубов, муал.) 23 ҳаваскордан иборат труппа тузиб, миллий санъатимизга доир ёзилган ва ёзилмаган материалларни тўплашга киришганини ёзар экан, уларга ҳам моддий, ҳам ташкилий, ҳам маънавий қўлловни талаб қиласди. “Труппа янги тузилган. Булар ичida ўқуғонлар – саводлиқлар кам. Этнография материалларини ишчи-дехқон саҳнасида кўрсатганларида бизнинг туб тилагимизни юзага чиқаролмаслар. Труппа ҳали ёш. Бу труппага яхши аҳамият бериб, буни ўстириш, бунга ўқифонларни қаратиш ва шунинг орқасида керак бўлғон этнографияга қарашли материалларни – лапарларни, рақсларни халқ ҳикояларини тўплаш лозим. Санойи нафисамизни нисбатлаб ўсдириш саҳнамизни бойитиш, етарлик кучларни етиштириш шубҳасиз жуда керак.

Санойи нафисамизни чинакам эҳтиёжимизга жавоб берарлиқ ҳолга келтиришда кўрилган қаршилиқ ва англашилмовчиликларға қатъий барҳам берилсин.

Ўзбекистонда санойи нафиса ишларини кучландириш мақсади билан ўзимизда ҳам санойи нафиса тўгараклари тузиш ҳаваскорларни уюшдириш керак бўладир.

Шунинг учун маориф комиссарлигидан келгуси йилда бир дона бўлса ҳам санъат мактаби очиб беришини ҳам шунга етарлик миқдорда сармоя белгилашни сўраб қоламиз”.<sup>5</sup>

“Иштирокион” газетасининг 1920 йил 18 январдаги сонида Каримбекнинг (тахаллус) “Мирмулла афандига жавоб”<sup>6</sup> сарлавҳаси остида мақола эълон қилиниб, у Мирмулла Шермуҳаммаднинг “Эски шаҳарда кинематограф” номли танқидига қаратилган эди. Газетанинг навбатдаги сонида эса (1920 йил 25 январь) Мирмулла Шермуҳаммад ҳозиржавоблик билан Каримбекка “Турон” театрусининг мундирига жавоб”<sup>7</sup> сарлавҳали мақоласини эълон қиласди.

<sup>5</sup> Кизил Ўзбекистон. – 1926. - №152, Б. 2.

<sup>6</sup> Иштирокион, 1920 й., 18 январь.

<sup>7</sup> Иштирокион, 1920 й., 25 январь.

# “МАНМУДХО‘ЈА ВЕНБУДИЙ ПУБЛИСИСТИКАСИ ВА ЖАДИД МАТБУОТИДА ИЖТИМОИЙ-СИЯСИЙ МАСАЛАЛАРНИНГ ЙОРИТИЛИШИ” mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya

Шунингдек, айрим санъат турларининг инқирози ва истиқболига бағишиланган полемик руҳдаги тортишувлар ҳам газета саҳифаларидан жой ола бошлади. Хусусан, “Қизил Ўзбекистон” газетасиниг 1926 йил 14 январь сонида 1926 йил 16 январь куни “Хива” киносида “Театрнинг инқирози – кинонинг гуллаши” мавзууда “Кинога бағишилаб”<sup>8</sup> маҳсус мунозара кечаси ўтказилиши тўғрисида эълон чоп этилади ва мазкур тадбир доирасида газетанинг 26 январь сонида Соат А. “Кино тўғрисида мунозара: (16 январь куни Тошкентда бўлган “Театрнинг инқирози – кинонинг гуллаши” мавзуидаги мунозара ҳақида тадбир тафсилотини ёритади.

“Қизил Ўзбекистон”нинг 1928 йил 25 сентябрь сонида “Даромад келади, лекин қаерга кетади?” сарлавҳаси остида Намангандан шаҳрида халқ томонидан катта харажат билан солинган “Шарқ саҳнаси” ҳақида<sup>9</sup> муаммоли мақола чоп этилган. Мазкур мақола соҳадаги талон-торож бўлаётган пуллар, муаммоларни дадил кўтариб чиқади.

Шунингдек, “Халқ ашуалари бузилмасин” (Абдулла//Қизил Ўзбекистон. – 1925. – 12 янв.), “Соғлом санъатлар яратайлик: Театр тўғараклари ва уларнинг вазифалари; Скульптура, расм, қўл хунари” (Жаҳонгиров // Қизил Ўзбекистон. – 1929. – 11 окт.), “Музика ва санъат ишларимизни илмийлаштироғимиз керак: Ўзбек санъат техникумларига бир назар” (Искандар // Қизил Ўзбекистон. – 1927. – 29 авг.), “Сайёр циркка кенг йўл” (Мухтор М. // Қизил Ўзбекистон. – 1930. – 11 дек.) каби соҳа фаолиятини ривожлантиришга қаратилган қўплаб таҳлилий материаллар газетанинг ҳар сонида илгари сурилади. Уларнинг аксарияти мафкуравий характерда бўлганига қарамай, мамлакатда маданий мұхитни шакллантириш, санъатнинг ҳар қайси турида аҳолининг эстетик дидини ўстириш, дунёқарашни кенгайтиришга қаратилган таҳлил ва такризлар юқорида таъкидлаб ўтилган арт-журналистика олдига қўйилган вазифани тўлақонли бажарганига гувоҳ бўлиш мумкин.

## Фойдаланилган адабиётлар:

1. А.А.Мусинова, Арт-журналистика Казахстана. – А.2018.
2. Миллий матбуот фиҳристи. – Т.: Мумтоз сўз, 2020.
3. <https://cyberleninka.ru/article/n/primary-sources-in-the-formation-of-art-journalism/viewer>
4. <http://sjifactor.com/passport.php?id=22230>

<sup>8</sup> Миллий матбуот фиҳристи. – Т.: Мумтоз сўз, 2020, 610-б.

<sup>9</sup> Миллий матбуот фиҳристи. – Т.: Мумтоз сўз, 2020, 596-б.